



САЛОМАТЛИК — ТУМАН БОЙЛИК

ЗДОРОВЬЕ НАРОДА — БОГАТСТВО СТРАНЫ

PEDIATR

№ 14-15 (891-892)
9-Oktabr, Chorshanba
2019-yil

TOSHKENT PEDIATRIYA TIBBIYOT INSITUTI MEHNAT JAMOASI NASHRI
ОРГАН ТРУДОВОГО КОЛЛЕКТИВА ТАШКЕНТСКОГО
ПЕДИАТРИЧЕСКОГО МЕДИЦИНСКОГО ИНСТИТУТА

Gazeta 1974-yil
mardan chiqqa
boshlagan

УСТОЗЛАРИМИЗ ОМОН БЎЛСИН

Б.Т.Даминов
ТошПТИ ректори,
Халиқ депутатлари
Тошкент шаҳар кенгаши
депутати

Доно халқимизнинг: «Устоз отангдай улуғ», деган нақл замирода чукур маънно мужассам. Бу наклни айтганимизда тиббиёт ходимларининг кўз ўнгида, хеч шубҳасиз улуг аждодимиз – Абу Али ибн Сино гавдаланади. Бу ҳар биримизга чексиз гуур ва ифтихор бағишлади. Негаки, биз – ўзбекистонлик шифокорларгина буюк мутафаккирнинг маънавий ва этник ворислари сифатида жаҳон илмий жамоатчилиги томонидан эътироф этилиб келамиз.

Замонавий тиббиёт ҳар қанча тараққий этаётган бўлмасин, барibir улуғ устозимиз ва аждодимиз ибн Синонинг асарларига таяниб иш кўриб келади. Бугун соҳага қадам кўяётган талаба ёшлар бундай юксак шаррафни чукур англаши ва хис этиши керак бўлади. Бу эса, ўз-ўзидан бизнинг – Тошкент Педиатрия тиббиёт институти илмий-педагогик жамоаси зиммасига ҳам залворли масъулият юклайди. Ўйламизки, институтда тизимили йўлга кўйилган устоз – шогирдлик анъаналари ўзининг самарали натижаларини бериб келипти. Буни биргина устозлар талabalarga танлаган ихтисослигига илм эгаллашида талабчанлик билан ёндашатганилигига ҳам кўришимиз мумкин. Институтимизда таълим сифатига қаратилган катта эътибор натижаси ўларок талabalаримиз юксак мэрраларни қўлга киритиб келишмоқда.

Устозларнинг таълим соҳасида кўрсататгандан жонбозликларини эътиборга олиб Мухтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев «1 октябрь

– Ўқитувчи ва мураббийлар куни» муносабати билан соҳа фидойиларига йўлланган табригига: «Бизнинг барча саъй-ҳаракатларимиз «Ўзбекистонда энг обруёли инсон муаллим бўлиши керак» деган гояни амалга оширишига қаратилмоқда. Бунинг учун давлат ва жамият томонидан қанча маблағ, ресурс ва имкониятлар зарур бўлса, барчасини сафарбар этамиз», – деб таъкидлайдилар.

Миллатни миллат, жамиятни жамият киладиган, аввало, ёшларнинг савияси, таълим-тарбияси хисобланади. Ҳар томонлама етук кадрларни тарбиялаш, жаҳон таълим, илм-фанида ҳам ўзини кўрсата оладиган, бир сўз билан айтганда Ўзбек халқининг аждодларига муносиб авлод бўла оладиган ёшларга имкон йўлларини кенгтайтириб бериш нафакат биз устозларнинг, балки бутун жамиятимизнинг олдига кўйиладиган эзгу мақсад хисобланади. Аммо ҳар қандай ислоҳот, аввало, инсон ҳамда унинг манфаатлари учун қилинар экан, энг мухими ёшларимизнинг соғлом мухитда таҳсил олишларига шарт-шароитлар яратиб бериш энг биринчи масала хисобланади. Шу хусусида сўз борар экан, институтимиз худудидаги таъмирлаш ишларини мисол тарикасида келтира оламиз. Мақсадимиз – талabalар замон талабларига жавоб бера оладиган, турли замонавий техник асбоблар билан таъминланган хоналарда таҳсил олсин.

Бугунги талabalаримизга хавас қилса арзиди. Исталган йўналиш бўйича исталган давлатда таҳсил олиш имкониятлари давлатимиз раҳбари бошчилигига кенг кўламли соҳаларда йўлга кўйилган. Дарҳақиқат, педагогларимиз ҳам бугунги замонга ҳамнафас тарзда ривожланган давлатлар таълим тизими борасида ўз тажриба ва малакаларини ошириб келишмоқда. Бу ҳам мамлакатимиз таълим тизимининг энг катта ютуғидир. Чунки замон билан

ҳамнафас бўлмай туриб хеч бир давлат, хеч бир жамият ривож топа олмайди. Мамлакатимиз таълим тизими ҳам бевосита шунга йўналтирилган. Таълим соҳасидаги ҳар қандай янги лойихалар амалга оширилаётган бўлмасин, уларнинг барча – барчасининг таг замирада битта мақсад бор. У ҳам бўлса, факат ва факат жадал қадам билан бораётган замонга муносиб таълим – тарбия асосида маънавиятли, маърифатли, билимли, ракобатбардош кадрларни тайёрлашибди.

Жаҳон адабиётида нуфузли ўринга эга бўлган буюк ёзувчи Антон Чехов ёзган эди: «Кундузи ҳам, кечқурун ҳам тўхтовсиз ишлаш, тинмай ўқиш, синчиклаб ўрганиш, иродали бўлиш керак. Ҳар бир соат олтинга тенг». Ана шундай ўткир ҳақиқатни хисобга олиб, таълим-тарбия соҳасидаги ислоҳотлар давлат сиёсатининг энг мухим ва устувор йўналиши даражасига кўтарилди. Бунда, албатта, устоз ва мураббийларнинг меҳнати катта. Ҳақиқатан ҳам, ўзининг кўз нури, қалб қўри, бутун борлигини ёш авлод тарбиясига баҳш этадиган ўқитувчи ва мураббийлар меҳнати, жасорати ҳар қандай юксак баҳоларга муносибидир.

Устозни отадек кўрадиган халқимиз тарихида асрлар оша яшаб келаётган номлари абадий мутафаккир устозларимиз, мана шундай устозларига муносиб ёш авлодларимиз бор экан, хеч иккиланмай айта оламизи, Ўзбекистон – келажаги буюк давлат!

Қалби эзгуликка йўғрилган азиз устозлар, меҳридар юллар!

Барчангизни ўқитувчи ва мураббийлар байрами билан чин қалбимдан табриклайман! Сизларга мустаҳкам соғлик, гўзаллик, оиласий бахт, хонадонингизга файзу барака тилайман. Сизнинг юксак масъулиятли, машакқатли ва шарафли меҳнатингизда зафарлар, улкан ютуқлар ва омадлар тилайман.

ЁРҚИН ВА КҮРКАМ



Беш асрдан буён үз моҳиятини йўқотмаган, буюк мутафаккиримиз Алишер Навоий қаламига мансуб бўлган: «Ҳак йўлинда ким санга бир харф ўқитмиш ранж ила, Айламак бўлмас адо, онинг ҳақин юз ганч ила», – деган ҳикматларида устозларга бўлган эҳтиром энг юкори чизгиларда келтирилган. Дарҳакиқат, тетапоя бўлаётган фарзанд кўлидан етаклаб, уни маърифат оламига олиб кириш – келажакка пойдевор қуриш демакдир.

27 сентябрь куни институтилизмининг «Ахборот-ресурс маркази»

залида «1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар куни»га бағишлиланган тадбир бўлиб ўтди. Ушбу байрам муносабати билан институт ёшлар билан ишлаш масалалари бўйича проректори М. Аҳмедова ректорат номидан барча профессор-ўқитувчиларни кутлади. Тадбир давомида Ёшлар билан ишлаш, маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи А. Худайбердиев сўзга чиқиб, барча устозларни байрам муносабати билан табриклиди. 2-Педиатрия факультети 408-гурух талабаси Шоҳруҳ Фарходов устозларга бағишлиланган кўшиқ билан тадбир иштироқчиларини хушнуд этиб, тадбирни давом эттириди. Институтилизминг ижодкор талabalari ўзларининг устозларга бағишлиланган ижод намуналари билан иштироқ этиб, тадбирга кўтаринки кайфият улашишиди.

Тадбир давомида ОХТА кафедраси мудири Ш.А. Маҳмудов институтизмизда талabalarga таълим-тарбия бериб келаётган



фаол мураббий ва профессор-ўқитувчиларни байрам билан кутлаб, фаол устозларига фаҳрий ёрликларни топшириди. Тадбир сўнггида Ходимлар касаба уюшмаси раиси А. Маннонов сўзга чиқиб, 100 дан ортиқ фаол ва үз касбининг фидойиси бўлган устозларимизга эсадлик совғаларини топшириди. Улуғ маърифатпарвар бобомиз Махмудхўжа Бехбудийнинг: «Авлодларимизга факат бугуннинг эмас, келгуси замоннинг илмини ўргатинг», деган ҳикмати устозларимизнинг шиорларига айланиб бормоқда. Азиз устозларимизга яна бир бор байрам муборак бўлсин!

A. Худайбердиев

ТАЛАБАЛАР ТУРАР ЖОЙИДА «МАЬНАВИЯТ КУНИ»



Ҳар тонгни «Ассалом» билан қарши олганимиз сингари үз яшаш, ўқиш даргоҳларимизда ҳам менталитетимизга хос бўлган одатларга кўра мулокот қиласиз. Жорий йилнинг 12 сентябрь куни олий ўқув даргоҳимизнинг 1- ва 2-Талabalар турар жойида «Маънавият куни» номли талaba ёшларни талabalар турар жойи «Низом»и, ички тартиб-қоидалари ҳақида таништириш масалалари бўйича тадбир бўлиб ўтди. Тадбирда Ёшлар билан ишлаш масалалари бўйича проректор М. Аҳмедова сўзга

чиқиб, талabalарнинг одобахлоқи ва уларнинг ташки кўриниши, яъни кийиниш маданияти ва талabalар турар жойи «Низом»ига риоя қилишлари тўғрисида маълумот берди. Ички тартиб-қоидалар ҳақида сўзлаб, ТТЖда яшовчи ҳар бир талaba бу ички тартиб-қоидаларга амал қилишлари лозимлигини таъкидладилар. Тадбир давомида профилактика катта инспектори, подполковник М. Раҳимов талabalар турар жойлари худудида тамаки маҳсулотларини чекишига йўл кўймаслик ва бундай иллатларга қарши курашиб бориш, талabalар турар жойларига спиртли ичимликларни олиб киришини таъкидлаш тўғрисида ҳамда талabalarning хавфсизлиги учун соат кечки 21:00 дан кейин

ТТЖга киришни ман этиш масалалари бўйича атрофлича тушунча берди. 2-Педиатрия факультети Маънавий-маърифий ишлар бўйича декан мувонини М.Алимова талabalар турар жойи «Низом»ини ўқиб эшилтириди ва бандларда белгиланган талabalarga талabalар риоя қилишлари лозимлигини таъкидлади.

Ҳар бир ёш ўғил-қиз эртангি кунимизнинг бир бўлағидир. Ёшлардаги масъулият хиссини шаклантириш ҳамда уларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида юртимизда турли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Зоро, ҳар биримизнинг маънавиятимиз, аввало, ўзимизнинг яшаш жойимиздан бошланади.

A. Худайбердиев

ЭНГ ОЛИЙ МАҚОМ БУ – УСТОЗ

Оламнинг отаси қуёш бўлгани сингари, илмнинг отаси устоздир. Устоз хусусида сўз борар экан «Фидокорона хизматлари унун» ордени соҳиби, ТошПТИ академик лицейи директори, биология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон таълим тизимида юртимизга илк бор олтин медаль тақдим этган ва 58 марта жаҳон фан олимпиадаларида мамлакатимиз байробини баланд кўттарган Ўзбекистон терма жамоасининг раҳбари Ортиқбой ака Эшонқуловни юксак эҳтиром билан тилга оламиз. Ушбу лицейнинг 2019 йили 2 сентябрда 22 ёшга тўлгани ҳамда Ортиқбой ака Эшонқуловнинг 22 йиллик «пешона тери» ҳисобланган жаҳон фан олимпиадаларида лицей ўқувчилари томонидан кўлга киритилган 58 та медаль таҳсинга сазовордир. Жумладан, 7 та олтин, 16 та кумуш, 35 та бронза медалини кўлга киритган, республика фан олимпиадаларида доимо илғор бўлиб келаётган ўқувчиларга Ортиқбой ака ўз фарзандидек тарбия, боғбондек парвариш, ҳамда ҳақиқий устоз сифатида билим бериб келмоқда.

«Ҳар бир ўқувчида иштиёқ кўрганимда беихтиёр ёшлигим эсимга тушади. Мен ўқиган давр ва мен ўқитаётган замонга қараб ёшларимизга ҳавасим келади!»

Ўн саккиз ёшли ўқувчи жаҳон фан олимпиадаларида тенгдошлари билан беллаша олади. Мана ўзбекнинг ўзига бек боласи дегинг келади...»

Устоз Ортиқ ака айтиб ўтганларидек, ўзига бек ўқувчиларнинг эртанги келажагимизга етук кадр бўлиб етишишлари замирида, албатта, устозлар мashaққати ётади.

Экология, инсон ва табиат ҳавфсизлиги Халқаро Академияси (МАНЭБ, 2009), педагогик таълим фанлари Халқаро Академияси (МАН-ПО, 2014) академиги ҳисобланган Ортиқбой ака Эшонқулов устоз, раҳбар сифатида 600 нафар лицей ўқувчиларига таълим-тарбия бериб, юрт келажаги учун ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар. Жумладан, лицей ўқувчи ёшлари Россия, АҚШ, Туркия, Қозогизтон, Корея, Сингапур, Дания, Индонезия, Швейцария, Вьетнам, Озарбайжон, Грузия, Таиланд, Беларус, Эрон, Словакия ва Чехия, Венгрия, Франция, каби кўплаб мамлакатларда бўлиб ўтган Халқаро фан олимпиада-



ларида ўз тенгдошлари билан илмда беллашиб, кўп бора ғолибликни кўлга киритиб, юртимиз байробини совриндорлар сафида баланд кўтардилар. Айниқса, 2019 йили Халқаро Менделеев олимпиадасида 1 та олтин, 1 та кумуш ва 1та бронза; биология фанидан 3-Жаҳон олимпиадасида 2 та бронза; кимё фанидан 51-Жаҳон олимпиадасида 2 та кумуш медални кўлга киритишиди. Бу ютуқлар замирада давлатимиз раҳбари раҳнамолигида таълим тизими ривожи, ёшларнинг истеъоди ва салоҳиятини юзага чиқариш учун қаратилаётган улкан истеъодод меваси, лицей ўқитувчи педагогларининг, раҳбаријатининг ва ўкувчи ёшларнинг тинимсиз меҳнатлари меваси эканлигини қувонч ва ифтихор билан айта оламиз. Айни дамда Ортиқ ака раҳбарлик қилаётган академик лицейда таҳсил олган кўплаб ёшлар бугунги кунда ўз соҳаларининг етук кадрлари бўлиб фаолият юритиб келишмоқда. Бугунги шиддатли техника асри ҳисобланмиш XXI аср ёшларига тўғри йўл-йўриқ кўрсатиб, устознинг шогирдлари орасида устозлик қилаётган ёшларимиз ҳам кўплаб топилади. Устоз-шогирдлик анъанаси том маънодаги маънавий, миллий тафаккурнинг ўчмас маёғидир десак янглишмаймиз.

Республикамиз Президенти Шавкат Мирзиёев бу соҳа вакилларига катта ишонч билдириб таъкидлаган эдилар: «Ҳар қандай қасбнинг ўз машаққати бор, лекин мен бу қасбларнинг орасида энг машаққатлиси ва энг шарафлисини Устозлар деб айта оламан». Дарҳақиқат, Ортиқ ака каби устозлар ёш авлоднинг келажаги учун жон куйдириб, эртанги кунимизга ўз меҳнатлари билан пойдевор қуриб келишмоқда. Устозларимиз бор экан биз учун ҳаёт-мамот аталмиш таълим-тарбия масаласида биз ёшлар онгига бўшлиқ бўлишига асло ўрин йўқ!

Роҳилабону ФЎЧЧИЕВА

ЮКСАК ЭЪТИРОФ МУБОРАК БЎЛСИН



Хар битта соҳанинг ўз мاشаққати бўлганидек, соғлиқни саклаш соҳасида ҳам ўзига яраша мураккабликлар бор. Зеро, инсон саломатлиги энг биринчи ўринда турувчи неъмат ҳисобланади. Мана шундай мураккаб, масъулияти катта соҳадан ўз йўлини белгилаб, тиббиёт соҳасига янгиликлар киритиб, хар лаҳзасида бир янгилик кашф эта оладиган устоз – Эркин ака Турсунов Тошкент Педиатрия тиббиёт институти педагог жамоаси ва талабалари орасида ўз талабчонлиги билан ҳурмат қозонган. Айни пайтда Эркин ака Турсунов институтнинг «Патологик физиология, одам анатомияси ва гистология, цитология, эмбриология» кафедраси профессори ҳамда Васийлик ва кузатув кенгаши раиси ва зифаларида ишлаб, талабаларга гистология фанидан юқори савияда маърузалар ва амалий машгулотлар олиб бормоқда. Республикализ Президенти Шавкат Мирзиёев ўқитувчи ва мураббийларга йўллаган табрикларида таъкидлаб ўт-

дилар: «Биз халқимизнинг энг катта бойлигини – миллионлаб фарзандларимиз, жондан азиз ўғил-қизларимизнинг тақдирини, Ўзбекистон истиқболини сизларга ишониб топширганмиз. Ва бу вазифани масъулият билан адо этиб келаётган сизлар каби фидойи инсонлар, келажак бунёдкорларига ҳар қанча таҳсин ва тасаннолар айтсан арзийди». Ҳақиқатан ҳам, Эркин ака каби фидойи устозларимизнинг бугунги ёшлар тарбиясидаги ролининг аҳамияти катта.

Устоз билан суҳбат қилас эканман, мени ҳайратга солган жиҳати Эркин ака нафақат медицинада, балки бадиий ижодда ҳам ўз ўқувчиларини топган ижодкордир. Устознинг ўзи таништириб ўтган маънавий меросларида 5 та муаллифлик гувоҳномаси, 400 дан ортиқ илмий ишлар, 18 та ўкув ва ўкув – услубий қўлланмалар, 7 та монография муаллифи, 5 та монографияга ҳаммуаллиф, 10 та шеърий ва бадиий китоблари чоп этилган. 1981 йилда устоз кафедра қошида электрон микроскопия лабараториясини ташкил этиб, 2002 йилга қадар ўзи ушбу лабараторияни бошқариб, раҳбарлик қилган. Устоз 1995 йилдан бошлаб Ўзбекистон Врачлар ассоциацияси ва унинг Президиуми аъзоси, Ўзбекистон Врачлар ассоциациаси бюллетени ҳамда Нуронийлар кенгашида ўз фаолиятини юритиб келмоқдалар. 2008 йилда «Истеъод»

грантини ютган ва шу йили Халқаро Экология Академияси ҳақиқий аъзоси бўлиб, унинг Ўзбекистондаги филиалини бошқариб, раҳбарлик қилган. 2012 – 2016 йилларда Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси инновацион лойиҳасини қўлга киритиб, Давлат гранти асосида гистология фанидан кирилл, лотин графикасида ўзбек, рус ва инглиз тилларида 5 та ўкув қўлланма ва 2 та монография ёзган. Бу билан чекланмаган олим Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Экология, тиббий маданият йўналишлари бўйича турли грантлар бўйича фаолият юритиб, кўплаб китоблар нашр эттириди. 2017 йилда эса Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев билан Ватан равнақи йўлида астойдил хизмат қилиш, ёш авлоднинг таълим тизимидағи савияси ни ошириш борасида мулоқот олиб боришиди. Ушбу йилда «Ўзбекистон Конституциясига 25» йиллик кўқрак нишони билан тақдирланган. Тиббиёт соҳасида ўз меҳнати билан ўрин эгаллаган устоз, Гистология ва патологик анатомия кафедраси профессори Эркин ака Турсунов жорий йилда «Фидокорона хизматлари учун» ордени билан мукофотланди.

Ўз касбининг чинакам фидойиси бўлган устозимиз – Эркин акани юксак эътироф билан табриклаймиз.

Газиза АШУРОВА

ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИ САЙЛАНДИ

Хар бир соҳада етакчи, билимга чанқоқ, куч-ғайратга тўла, кўзидаги иштиёқ – «менга беринг дунёни» деб турган талаба-ёшларга хавасинг келади. Тартиб-интизом бу – хар битта соҳа ва ҳар бир жойнинг энг биринчи ўринда турувчи масаласи сифатида қаралади. Институтимизнинг 1-Талабалар турар жойида талабалар ўртасидаги тартиб-интизом ва тозаликка багишланган «Ўзини ўзи бошқариш кенгаси» аъзоларини сайлаш муносабати билан ўтказилган тадбирда Ёшлар билан ишлаш бўйича проректор М. Ахмедова даврани очиб берди. Маънавий-маърифий ишлар бўйича декан мувовини М. Алимова, профилактика катта инспектори, подполковник М. Раҳимов, 2-Педиатрия факуль-

тети 1-курс декан мувовини А. Исломов, 2-Педиатрия факультети 6-курс декан мувовини Ж. Умаров ҳамда 1-ТТЖ тарбиячи-педагоги М. Акбаровалар иштироқида кенгаш аъзолигига талабаларни муқобил йўл орқали очик сайлов кўринишида сайлаш бўлиб ўтди. Талабалар томонидан энг кўп овозга эга бўлган талабалар қуидаги йўналишлар бўйича сайландилар: 1-ТТЖ кенгаш раислигига – Отабек Жумает, маънавият ва маърифат бўйича масъул – Гулхаё Рустамова, ёшлар иттифоқининг ТТЖдаги етакчиси – Азиз Абдуғаниев, 2-қават сардорлигига – Искандар Қаршиев, 3-қават сардорлигига – Азиза Элмурадова, спорт ишлари етакчиси – Шахзод Маъруфов, компютер ишларига

масъул – Нурали Сатторов, тозалик ишлари бўйича масъул – Маъсума Охунжоноваларнинг номзоди муносиб деб топилди. Тадбирдан кўзланган мақсад – талабаларни мустакил фикрлашга ва жамиятимизда ўз ўрнига эга бўлишлари учун, ўз овозига эга мустакил шахс сифатида шакллантириб бориш ғояси илгари сурилди.

Келажакка тик қарай оладиган ёшларимиз бугуннинг ва келажакнинг бунёдкорлариdir. Ҳар бирингизга ўқишида муваффақиятлар тилаб, сайланган талабаларимизга юксак масъулият ва билдирилган ишончни оқлашлари йўлида метин иродида ёр бўлсин.

Ж. Мусурмонкулов

КОРРУПЦИЯ – ТАРАҚҚИЁТ КУШАНДАСИ

Хар бир таълим соҳасининг, ижтимоий, маънавий ва маърифий соҳаларнинг энг катта долзарб муммоси коррупция бўлиб келмоқда. Негаки, бугунгидек мустакил, очикошкора замонда ҳам бу қинғир йўлга кириб колаётган шахслар учраб туриши жуда ачинарли ҳолат. Юртимизда бу каби иллатларнинг олдини олиш, мамлакатимиздаги барча соҳаларда шаффоғликни етарлича таъминлаш, ёшларга ўз кучига ишонч бериш ҳамда адолатли бошқарув тизимини татбиқ қилиш борасида самарали ишлар олиб борилмоқда. 2017 йил 3 январь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги 419-сонли қабул қилинган конунга мувоғиқ бугунги таълим тизимидағи шаффоғликни таъминлаш борасида ҳам кўплаб чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, олий ўкув даргоҳимизда жорий йилнинг 23 сентябрида Тошкент Педиатрия тиббиёт институти профессор-ўқитувчилари ва ходимлари ўртасида «Таълим муасасаларида коррупциянинг олдини олиш ва қарши курашнинг маъна-



вий-маърифий асослари» мавзусида тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Суд-хуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси Ботир Матмуратов, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Коррупцияга қарши курашиш бошқармаси прокурори Сардор Маманов, Тошкент Педиатрия тиббиёт институти ректори Ботир Даминов, барча проректорлар, факультет деканлари, кафедра мудирлари, бўлим бошлиқлари, декан ўринбосарлари, профессор-ўқитувчилар, ходимлар, Ёшлар иттифоқининг 235 нафар БТ аъзо-

лари ҳамда «Ўзбекистон 24» телеканали ижодий ходимлари иштирок этишди. Тадбирдан кўзланган ягона мақсад — ёшлар келажагини шаффоғлик асосида куриш ҳамда ахолининг хуқуқий саводхонлиги ва хуқуқий маданиятини ошириш, жамиятда коррупцияга қарши иммунитетни шакллантиришди. Халқимиз берган ишончни суистеъмол қилиш энг оғир гуноҳ ва жиноят эканлиги тадбир давомида таҳлил қилинди. Тадбир иштирокчиларини қизиқтирган саволларга мутахассислар томонидан ҳаётӣ мисоллар асосида жавоб берилди. Ушбу тадбир «Ўзбекистон 24» телеканалининг «Ахборот - 24» информацион дастури орқали ёритилди.

Биз ҳеч бир ёшнинг келажагига бефарқ қараб тура олмаймиз. Чунки эътиборсиз қолдирилган игнадек иллат вакт ўтиб, кулфатга айланishi мумкин. Ҳар битта ёш – эртаниги куннинг бир бўллагидир. Шундай экан ёшлар онгу шуурида заарли иллатларга қарши иммунитетни шакллантириш ҳамда ҳалоллик ва адолат мезонларини қадрлашни англашиб замон талабидир.

M. Аҳмедова

КИТОБ – ЭЗГУЛИККА ЧОРЛАЙДИ БИЗНИ

Халқимиз тилида билим ҳақида кўплаб доно нақллар мавжуд. Мисол тариқасида: «Билаги зўр – бирни, билими зўр – мингни йиғар» мақолини келтириб ўтмоқчиман. Маъноларга бой нақлларнинг яшashi учун на макон ва на замон таъсирини ўтказа олади. Чунки уларнинг замирида минг йиллик ҳақиқатлар мужассамдир. Ушбу нақллар йиллар чархида чархланниб, ўз мазмунини мустаҳкамлаб бораётгани бежиз эмас. Негаки, билим ва китоб тушунчалари бир-бирини тўлдирувчи тушунчалардир. Бу борада юртимида ҳам кўплаб ислоҳотлар амалга оширилиб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев бошлигига 2019 йил 19 март куни «Ёшларга эътиборни кучайтириш, уларни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларда ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш, ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотинқизлар бандлигини ошириш масалалари»га бағишиланган видеоселекторда ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш бўйича 5 та муҳим ташаббусни илгари суреб, бу борада турли чора-тадбирларни амалга оширишни белгилаган эдилар. 28 сентябрь куни Тошкент Педиатрия тиббиёт институтида ҳам ёзувчи-ижодкорлар билан учрашув бўлиб ўтди. Ушбу тадбир тўртинчи ташаббус – ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш бўйича тизимли ишларни таш-

кил этиш масаласига йўналтирилди. Тадбир аввалида Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси раиси С.Саидов сўзга чиқиб, институтимиз талабаларига китобхонликнинг афзалликларини айтиб ўтди: «Китобдаги меҳр ҳеч бир замонавий технологияларда йўқ. Чунки ҳар бир ижодкор ижод қилаётганида ўзининг бор меҳрини, муҳаббатини мана шу ижодига беради. Шунинг учун бўлса керак, китоб не-не асрларни қаритиб келяпти». Дарҳақиқат, китобдаги меҳр бошқа ҳеч бир инновацион технологияда мавжуд эмас. Ҳеч бири китобдек қалбимизга кириб бора олмайди. Ёзувчилар уюшмаси аъзолари Ш. Садоий, А. Карим, Ш.Салом каби етук ижодкорлар ўз ижодий сухбатлари билан талабаларимизни хушнуд этишди. Тадбир сўнггида эса Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан ТошПТИ Ахборот ресурс марказида 128 нусхадаги бадиий адабиётлар талабаларга ўқиш учун тақдим этилди. Китоб – руҳият озуқаси, у билан дўстлашиш ҳар биримизни нафакат юксалтиради, балки онгимизга, шууримизга борлиқни танитади, у бизга ҳамроҳлик қилиб, эзгуликка етаклайди. Институтимизда бўлиб ўтган бу тадбир талаба ёшларимизнинг маънавий-маърифий иммунитетини, интеллектуал салоҳиятини бойитиш ва китобга бўлган меҳрини оширишга хизмат қилди. Зоро, китоб ҳар қандай касб эгаси бўлишимиздан қатъи назар, қалбларимизни бирлаштиради, бизни эзгу максадлар томон етаклайверади.

M. АҲМЕДОВА



Тил – миллат кўзгуси

Ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилганлигига 30 йил бўлади. Бу мақом юртимизда улуг қадриятимиз ва юртимизнинг давлат сифатида тан олинишининг асоси бўлган она тилимизга бўлган эътибор ва эътирофнинг намунасиdir. Маънавиятимиз ва миллатимиз кўзгуси – тилга муносабат ҳар биримизнинг маънавият даражасизни белгилайди. Куни-кеча институт талабаларининг «Юзма-юз» мурокот клубида 1- босқич талабалари ўтасида бўлиб ўтган «Она тили – миллат кўзгуси» номли сұхбатда айтилган айрим фикрларни газетхонларимизга тақдим қилмоқчимиз.

Peshlavhalardagi xatolar

Men rus millatiga mansubman. Ammo o‘zbek tilini yaxshi ko‘rib o‘rganaman. Kollejni bitirganimga bir necha yil bo‘ldi. Ish joyimda ham o‘zbek tilini bilishim menga qo‘l keladi. Yanada savodli bo‘lishim uchun lavha, peshlavhalarda o‘zbekcha yozuvlarni o‘qib ularni tarjima qilib savodxonligimni oshiraman.

Ammo afsuski, ba’zan yozilgan so‘zlarni lug‘atdan topa olmayman. Chunki ko‘pincha peshlavhalardagi so‘zlar xato yozilgan bo‘ladi. Bir kuni «Buzilmaydigan erlar sotiladi» degan lavhani o‘qidim, «уе» «е» bo‘lib ketgan ekan, kulishni ham yig‘lashni ham bilmay qoldim. Ba’zan reklamalarda jargonlar ishlataladi. Bunday kamchiliklarning oldini olish zarur. Yoki rus o‘zbek so‘zlar barobar ishlataladi. Masalan, «Salam – papalam» choyxonasi. Nima degan gap bu? Yarimta salommi?

Valeriya Konovalova

Тилимизнинг фаолигини оширайлик

Маърифатпарвар ва забардаст адабимиз Абдулла Авлоний: «Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадиган ойнаи ҳаёти тил ва адабиётдир. Миллий тилни йўқотмак миллатнинг рухини йўқотмакдир» – деган аниқ ва теран фикрларни баён этганда нақадар ҳақ эди.

Россиялик тилшунос олима, профессор А.М. Козлянина «Ўзбек тили нафис ва мусиқа оҳангидай жарангдор», – деб тан олганлиги ва юксак баҳо берганлиги бежиз эмас, албатта.

Фикримча, бугунги кунда ўзбек тилини барча соҳаларда янада кенгроқ кўллаш зарур, халқаро анжуманларда ҳам ўзбек тилидаги маърузалар кўпайиши керак деб ўйлайман.

Зилола Шоаҳмедова

Тилимиз соғлигини асройлик

Тил - миллат кўзгуси. Бу гапни эшитган ҳар бир инсоннинг кўз олдига ўз онаси, она Ватани келади. Ахир ҳар бир одам она тили билан фаҳрланади. Ўзга давлатларда яшовчи ҳамортларимиз ўзбек тилида сўзлашувчи бирор-бир кишини учратсалар беихтиёр кайфиятлари кўтарилади, қалбida кувонч хисси уйғонади.

Ўз тилимизнинг мавқеини кўтариш учун ҳар биримиз харакат қилишимиз керак. Хатоликларни

тузатиш, нутқимизга эътибор бериш – бу асосий вазифамиз. Ҳаммаси ўз кўлимизда. Тоза ариқдаги сувнинг бизлар ташлаган ахлат туфайли зилоллиги йўқолади. Тилимизни ҳам ўзга сўзлар билан тўлдирмай унинг соғлигига эътибор беришимиз керак.

Элзод МИРЗАҚОБИЛОВ

Тилимизни асраб-авайлайлик

Она тилини асраб-авайлаш ҳалқни ва миллатни саклашнинг асосий шартларидан биридир. Ўзбек тили энг бой ва чиройли тиллардан биридир. Бироқ, у хорижий сўзларнинг шиддатли таъсири ва инсониятнинг маданий таназзули остида тез ўзгариб бормокда.

Ўз она тилимизни сақлаб қолиш учун ҳар биримиздан кўп нарса талаб этилмайди: ўқиш, адабий дидни ривожлантириб, сўз бойлигини ошириш, оғзаки ва ёзма нутқининг барча қоидаларини ўрганиш, мунтазам равишда машқ қилиб туриш. Чет тилидаги ва жаргон сўзлардан фойдаланишни кисқартириш ҳам зарур.

Лобар Кенжасеева

Маънавий савияга салбий таъсир

Фикримча, телекўрсатувлар, ишланаётган бадиий фильмлардаги қаҳрамонлар нутки чиройли берилиши, шева ва жаргонлардан ҳоли бўлиши керак. Баъзи телеканаллардаги кўрсатувларда ўзбек тилини бузиб гапириб, кўплаб рус сўзларини ишлатилиши ҳалқнинг маданий савиясига салбий таъсир қиласи.

Муниса Тоштемирова

СМСлардаги хатолар

Ўзбек тили дунёдаги энг қадимий тиллардан бири хисобланади. Гап миллатнинг тили ҳақида кетганда албатта бу мавзуга давлат миқёсида қаралади.

Она тилига бўлган хурмат, фикримча, оиладан тарбияланиши керак. Оилада ота-она боласининг ўз она тилида соғ гапиришини талаб қиласа, бундай муаммолар туғилмайди.

Яна бир фикр, СМС ёзишмалар, фикримча, саводсизликнинг кўпайишига сабабчи бўлмоқда. Сўзларни чала ёзиш ва ҳарфларни алмаштириб ёзиш биз эътибор беришимиз керак бўлган масала.

Равшанбек Носиров

МАЪНАВИЯТ БУСТОНИ АБДУЛЛА ОРИПОВ БИЛАН КОРЕЯДА СОДИР БЎЛГАН ҚИЗИҚ ВОҚЕА

Бу воқеани улуғ устоз Абдулла Орипов сўзлаб берган эди:

—Бир куни Кореяга, бутун дунё шоирлари халқаро анжуманига чакириб қолишиди. Собиқ Совет Иттифоқидан икки киши эканмиз. Русларнинг машҳур шоири Андрей Вознесенский ва мен. Русчани унча мунча билганим учун иккимиз ҳамроҳ бўлиб, қадрдонлашиб юрдик. Анжуман гулдурос қарсаклар билан ўтди. Бироз бўш вакт қолганди, кўча кездик, магазин томоша килдик, бозор айландик. У-бу оламиз деб чамалаб турсак, бир корейс, бир туфли кўтариб юрган экан, кўзимга жуда чиройли кўриниб, харидор бўлдим. Лекин уни қандай олиш керак, нарх-навоси қанча, савдони қандай пишириш керак. Таваккал деб русча гапириб кўрсам, «Нима деяпсан?» — дегандай «им» қоқади. Ўзбекча гапиришам, тушунмаяпман дегандай,

кулогини тутади. Алай-балай деб, имо-ишора қилсан, бир пайт тутоқиб, бақириб кетса бўладими, оғиздан тупук сачрайди, жаҳл қиласи, ўқраяди, ғазабдан юзлари қизариб тутоқади, индамасанг дўппослайдиган важоҳати бор.

Нима дейишга ҳайронман. «Ол-э», матоҳингни деб кетворай десам, кетказадиган шашти йўқ. Андрей Вознесенский инглизчани билар экан, охири «Нима гап?», деб инглизча гапириб қолди. Корейс ҳам эринмай бир инглизчани биладиган одамни топиб келди. У одам бизнинг Совет Иттифоқидан келган шоир эканимизни пойабзал сотовчига тушунтириди, шекилли, бир дамда попуги пасайиб, ҳовридан тушиб, чўқкалаганча кечирим сўрашга тушди. Туфлини ҳам кўлтиғимга қисиб, «Олиб кетавер, олиб кетавер, бепулга совға килдим», дея имо-ишора қилди. Охир-оқибат сўраб суриширишимииздан кейин маълум бўлдики,

сотувчи мени корейс деб ўйланган, «Нега ўз она тилинг бўлган корейс тилини унутиб юбординг, энди сен ҳам одам бўлдингми, сенга туфли ҳайф, сен хиёнаткор баттолсан!» — деб дарғазаб бўлиб, мендек нобакор болани катта қилган ота-онамнинг гўрига фишт қалаётган экан. Андрей Вознесенский исёнкор, миллатпарвар, эркин қарашларга мойил шоир эди. Корейснинг бу хулқ атвори унга жуда маъкул келди. Корейснинг елкасига кўл ташлаб анчайин яхши гаплар айтиб юпатди. Менга ҳам, «Тилни хурмат қилишни, миллатни хурмат қилишни, ўз она тилимизни йўқотсак бир чақага қиммат одам бўлиб қолишимизни мана шу корейсдан ўрганишимиз керак экан», деди. Андрей Вознесенский доимо шарф такиб юрар эди. Бўйнидаги шарфни ечди-да, ўз тилига эҳтироми учун, миннатдорлик тариқасида корейсга совға қилиб юборди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

Профессор-ўқитувчилар таркиби бўйича қўйидаги кафедралар лавозимларига ТАНЛОВ эълон қиласи:

ПРОФЕССОР: Амбулатория тиббиёти; Акушерлик ва гинекология, болалар гинекологияси.

ДОЦЕНТЛАР: Нейрохирургия ва болалар нейрохирургияси; Шошилинч педиатрия, халокат тиббиёти; Тиббий ва биологик кимё; Умумий хиургия; Факультет ички касалликлари, ХДТ, касб касалликлари, госпитал ички касалликлари, ички касалликлари пропедевтикаси; Болалар юқумли касалликлари; Болалар касалликлари пропедевтикаси; Факультет болалар хиургияси; Биофизика, тиббий информатика.

КАТТА ЎҚИТУВЧИЛАР: Хорижий тиллари; Тиббий биология, умумий генетика; Патологик анатомия; Клиник иммунология, микробиология;

ЎҚИТУВЧИЛАР: Хорижий тиллари

АССИСТЕНТЛАР: Аллергология; Оториноларингология, болалар оториноларингологияси; Эпидемиология, юқумли касалликлар; Травматология, ортопедия, болалар травматологияси, ортопедияси; Анестезиология ва реаниматология, болалар анестезиологияси ва реаниматологияси;

Танлов муддати –эълон чиққан кундан 1-ой

Манзилгоҳ- Богишамол кўчаси 223, Тош ПТИ.

Автобуслар: 115,19 ТошПТИ бекати. 2019.09.10.

 <p>ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ МЕХНАТ ЖАМОАСИ НАШРИ ОРГАН ТРУДОВОГО КОЛЛЕКТИВА ТАШКЕНТСКОГО ПЕДИАТРИЧЕСКОГО МЕДИЦИНСКОГО ИНСИТИУТА</p>	<p>Таҳрир кенгаши: Д.А. Асадов, А.В. Алимов, Х.Ф. Хайдаров, М. Ахмедова, А.И. Искандаров, К. Ҳайтов, Т.С. Аъзамхўжаев, А. Валиев, А.А. Кудайберганов, Б.М. Таджиев, С.С. Гулямов, Г. Усманова</p> <p>Нашр учун масъуъ: Р. Фўччиева</p>	<p>Бош мухаррир: Б.Т. ДАМИНОВ</p> <p>Таҳрир ҳайъати: (иши гурӯҳ)</p> <p>Э.О. Турсунов, К.Ш. Турдиева (Бош мухаррир ўринбосари), А.М. Маннанов, Д.А. Ахмедова, С.А. Бегмонов, А. Носиров, З. Каримова, А. Худайбердиев</p>	<p>Газета Тошкент шаҳар матбуот ва ахборот бошкармасида 29.12.2006 йил 02-0010-сон билан рўйхатта олинган.</p> <p>Манзил: 700140, Тошкент-140, Богишамол кўчаси, 223</p> <p>Cho'lpon nomidagi NMU техник ва дастурлар воситалари базасидаги этилди. Манзил: Тошкент, 100129, Навоий кўчаси, 30. -буюртма. Адади 100 нусха.</p> <p>Газета институт хисобидан нашр этилади ва бепул таркилади.</p>
--	--	---	--